

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
НОМЗОДЛАРНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ
САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ЖОРИЙ МОНИТОРИНГИ
НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1 Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг оммавий ахборот воситалари орқали сайловолди ташвиқоти жорий мониторинги натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати раҳбари Н. Нурматовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва оммавий ахборот воситалари “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 3 октябрида қабул қилинган 743-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низом талабларига қатъий риоя қилаётганликлари қайд этилсин.

3. Округ сайлов комиссиялари тегишли округ ҳудудида сайловолди ташвиқоти давомида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан назоратни давом эттирсин.

4. Мазкур қарор ижро учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларига юборилсин.

5. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари К. Адиловнинг зиммасига юклатилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 25 ноябрь,
№ 782.*